

**ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2019.FM.65.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**РЎЗИЕВ ЗУҲРИДДИН ЖАМОЛИДДИНОВИЧ**

**НОЧИЗИҚЛИ ФОТОН КРИСТАЛЛАРИДА ЎЗ - ЎЗИГА ТАЪСИР ВА  
НОСТАЦИОНАР ШАРТЛАРДА ИККИНЧИ ГАРМОНИКА ГЕНЕРАЦИЯСИ**

**01.04.11 – Лазер физикаси**

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2023**

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
физико-математическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
physical-mathematical sciences**

**Рўзиев Зухриддин Жамолиддинович**

Ночизикли фотон кристалларида ўз - ўзига таъсир ва ностационар шартларда иккинчи гармоника генерацияси ..... 3

**Рузиев Зухриддин Джамолиддинович**

Генерация второй гармоник в нелинейных фотонных кристаллах в условиях самовоздействия и нестационарности ..... 21

**Ruziev Zukhriddin Jamoliddinovich**

Second harmonic generation in nonlinear photonic crystals under self-action and nonstationarity conditions ..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 43

**ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2019.FM.65.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**РЎЗИЕВ ЗУҲРИДДИН ЖАМОЛИДДИНОВИЧ**

**НОЧИЗИҚЛИ ФОТОН КРИСТАЛЛАРИДА ЎЗ - ЎЗИГА ТАЪСИР ВА  
НОСТАЦИОНАР ШАРТЛАРДА ИККИНЧИ ГАРМОНИКА ГЕНЕРАЦИЯСИ**

**01.04.11 – Лазер физикаси**

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2023**

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.3.PhD/FM773 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация И Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.iplt.uz](http://www.iplt.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Сапаев Усмон Қаландарович</b> физика-математика фанлари доктори
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Болтаев Ганжабой Сапаевич</b> физика-математика фанлари доктори
	<b>Махмудов Хикмат Махаматович</b> физика-математика фанлари доктори
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Урганч давлат университети</b>

Диссертация ҳимояси Ион-плазма ва лазер технологиялари институти, ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.FM.65.01 рақамли Илмий Кенгашнинг 2023 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Дўрмон йўли кўчаси, 33- уй. Тел./факс: (99871) 262-32-54, e-mail: [info@iplt.uz](mailto:info@iplt.uz) (Ион-плазма ва лазер технологиялари институти мажлислар зали).

Диссертация билан Ион-плазма ва лазер технологиялари институтининг Ахборотресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Дўрмон йўли кўчаси, 33-уй. Тел./факс: (99871) 262-31-69.

Диссертация автореферати 2023 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ кунни тарқатилди.  
(2023 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Х.Б. Ашуров**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**И.Д. Ядгаров**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.д

**Б.Е. Умирзаков**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси,  
ф.-м.ф. д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Лазерлар яратилгандан бери квадратик ночизикли кристаллар лазер қурилмаларини яратишда ва лазер нурланишининг муҳит билан ўзаро таъсирини ўрганишда муҳим рол ўйнамоқда. Улар лазер нурланишини ултрабинафшадан яқин инфрақизилгача бўлган керакли спектрал соҳаларга самарали айлантира олади. Муайян шароитларда улар лазер нурланишининг энергиясини юқори самарадорлик билан спектрнинг керакли частотасига айлантириш имконини беради. Бироқ, ночизикли кристалларда, шу жумладан ночизикли фотон кристалларида қисқа импульслардан ( $\tau \sim 10$  фс ёки  $\tau \lesssim 10$  фс дан кичик) фойдаланишда муҳитнинг дисперсия ва учинчи тартибли ночизиклийлик таъсирининг кучайишига олиб келади, ва бу иккинчи гармоника генерацияси самарадорлигининг кескин пасайишига олиб келади.

Умуман олганда ночизикли оптик кристаллардан фойдаланишга асосланган частота алмаштиришлар ривожлантириш тенденцияси кенг диафрагма (конформ) нурлар билан нано ва суб-пикосекундли давомийликдаги нурланиш диапазонини юқори эффективлик билан частота алмаштириш жараёнини амалга оширилганлигини осон пайқаш мумкин. Фемтосекунд давомийликдаги импульсларини қўллаш билан гармоника генерациялари эффективлиги пасаяди хусусан: ночизикли оптик кристалларда иккинчи гармоника генерациясини олиш билан боғлиқ жараён мураккаблашади. Сўнги йилларда частота алмаштириш жараёнини самарали амалга ошириш учун импульсларни ва ночизикли фотон кристалларини чирплаш усуллари кенг қўлланилмоқда. Бу усуллар лазер импульси давомийлиги яқин фемтосекундгача бўлган ҳолатлар учун яхши ўрганилган ва қўлланилган бироқ бир неча ўнлаб фемтосекунд ( $10 \text{ фс} > \tau$ ) давомийликдаги импульслар учун яхши ўрганилмаган.

Сўнги йилларда Ўзбекистон Республикасида лазер нурланишини самарали частота алмаштириш қилишнинг янги имкониятларини хусусан, анъанавий ночизикли оптик кристалларга нисбатан бир қатор афзалликларга эга бўлган ночизикли фотон кристаллар каби оптик наноматериаллардан фойдаланишга эътибор кучаймоқда. Мамлакатимиз илм-фани ривожини ва уларни амалиётга татбиқ этишда муҳим аҳамиятга эга бўлган мазкур фундаментал тадқиқот ва ишланмаларнинг йўналишлари 2023–2026-йилларда Янги Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ўз ифодасини топган (28.01.2023 № ПФ-60).

«Электроника, наноматериаллар физикаси ва амалий математика»<sup>1</sup> фанларининг устувор йўналишлари бўйича халқаро стандартлар даражасида илмий тадқиқот олиб боришнинг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари белгилаб берилган. Фармоннинг бажарилишини таъминлашда лазер нурланишининг моддалар билан ўзаро таъсири муаммосини ҳал қилиш

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017-йил 18-майдаги “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янги ташкил этилаётган илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 292-сон қарори.

назариясини ишлаб чиқиш муҳимдир. Мазкур диссертация тадқиқот иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023-йил 28-январдаги “Янги Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон фармонларида ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08.10.2019 йилдаги ПФ-5847-сонли фармони, “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси” йўл харитасига киритилган “Олий таълим муассасаларининг илмий салоҳиятини ошириш чораларини кўриш”. Шу билан бирга 2017-йил 17-февралдаги “Фанлар академияси фаолиятини янада такомиллаштириш, илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил етиш, бошқариш ва молиялаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-2789-сонли қарорлари ҳамда ушбу фаолият соҳасига оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларга маълум даражада мос келади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот иши Ўзбекистон Республикаси фан ва техникасини ривожлантиришининг устувор йўналиши – II «Физика, астрономия, энергетика ва машинасозлик» га мувофиқ амалга оширилди.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Иккинчи генерация гармоника жараёни тарихи биринчи лазер яратилган йилларга бориб тақалади. Биринчи марта Т. Мейман (Nature V.187, p. 493 1960) томонидан яратилган ва эълон қилинган рубин лазери нурланишини кварц кристалига таъсири П. Франкен (Phys. Rev. Lett. 7, 118, 1961) томонидан ўрганилганда биринчи марта иккинчи гармоника генерацияси жараёни кузатилган эди. Бироқ бу тажрибада унинг самарадорлиги жуда паст бўлган ( $\sim 10^{-12}$  % лар атрофида). Орадан кўп вақт ўтмасдан олимлар самарали иккинчи ва бошқа турдаги частота алмаштиришлар олиш учун ўзаро таъсирлашувчи оптик тўлқинлар орасида фазолар синхронизми пайдо қилиш кераклигини маълум қилишди.

Иккинчи гармоник генерациясини ривожлантиришда навбатдаги муҳим кадам 1962 йилда П. Д. Макер ва унинг жамоаси (Physical review letters V8, p.21 1962) томонидан қилинган. Улар иккинчи гармоника генерациясини олиш учун ассиметрик (анизатропик) кристалл тузилишга эга чизикли бўлмаган оптик кристаллардан фойдаланишни таклиф қилдилар. Бу иккинчи гармоника генерацияси самарадорлигини сезиларли даражада оширишга олиб келганди.

1962 йилда Н. Бломберган ҳаммуаллифлари билан (Phys. Rev. V 127, p.1918, 1962) биринчи марта “квази-синхронизм” усулининг назарий жихатдан мавжудлигини эълон қилишди. Бу усул анча йиллар фақат қоғозда қолиб кетган эди. Бунга сабаб бундай оптик нурларнинг таъсирлашуви имкониятини берувчи мухитларни яратиш технологияларини йўқлиги сабаб бўлган. Бироқ 20 аср охирларида ҳар хил физик хусусиятларга эга бўла оладиган кристалларнинг технологияларини ривожланиши айнан шу таъсирни берувчи кристаллар лаборатория шароитида яратила бошлади ва бу кристаллар ночизикли фотон кристаллар (мунтазам домен структурали кристаллар) деб атала бошлади. Шундан сўнг ночизикли фотон кристалларга қизиқиш яна орта

бошлади ва бугунги кунда бундай ночизикли мухитларни яратиш технологиялари анча илгарилаб кетган (масалан (Hum D. S., Fejer M. M. Quasi-phasematching //Comptes Rendus Physique. ) га қаранг).

Ночизикли фотон кристалларида амалга ошириладиган иккинчи гармоника генерацияси самаралорлиги муҳим катталиклар синфига киради. Бунга эришиш учун охириги йилларда бир нечта тажрибаларда яхши натижаларга эришилган. Масалан Liu H., ҳаммуаллифлари билан ((2020). Optik, 208, 164537) унинг самарадорликни ~20 % етказа олишган. Шу билан бирга Fujioka N., ва бошқалар ~50% етказа олишган. Бироқ улар ишлатган асосий импульс вақтий давомийлиги 40 фс- 100 фс атрофларида бўлган ва колленияр бўлмаган таъсирдан фойдаланишган. Zheng Z. ва бошқалар янада юқорироқ иккинчи гармоника генерацияси учун 60% самарадорликка эришишган. Бунда улар даврий кутибланган литий ниобатдан фойдаланишган. Бироқ бу охириги ишдаям асосий импульс вақтий давомийлиги 200 фс атрофларида бўлган ва ночизикли фотон кристалл даврийлигини ўзгарган ҳолатлари ўрганилмаган.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, бу йўналишда ўзбек олимлари Т.Б. Усмонов, И.А. Кулагин ва Д.Б. Юсупов лар ночизикли оптик кристалларда мунтазам ва мунтазам бўлмаган доменли тузилишга эга кристалларда иккинчи гармоника генерациясини олишда юқори натижаларга эришишган. Улар асосан нано-, пико- ва суб-пикосекундли лазер импульслари ёрдамида иккинчи гармоника генерацияси ҳосил қилиш жараёнини кўриб чиққанлар. Бундан ташқари У.К. Сапаев томонидан тўлқинларнинг ўзаро таъсирида паст энергия алмашинуви ёки асосий нурланиш энергиясини тўлиқ алмаштириш қилишда маълум амплитуда ва фаза хусусиятларига эга фемтосекунд давомийликли импульсларидан ва мунтазам бўлмаган домен тузилишга эга ночизикли фотон кристалларидан фойдаланган ҳолда иккинчи гармоника генерациясини олишда яхши натижаларга эришган.

Ушбу мақолаларда келтирилган натижалардан тахминан эллик ёки ундан кўп фемтосекунд давомийликдаги импульслар ёрдамида олинганлигини кўриш қийин эмас. Аммо hozirgi вақтда диққат марказида ўта қисқа тахминан 10 фс импульслар турибди. Ушбу диссертация ўтақисқа юқори қувватли лазер импульслари ва бир ҳил ёки бир ҳил бўлмаган домен тузилмалари ёрдамида ночизикли фотон кристалларида иккинчи гармоникани яратиш бўйича тадқиқотларни тақдим этади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетининг қуйидаги ОТ-Ф2-45 "Структураланган ёруғлик майдонининг нанообъектлар билан ўзаро таъсири" (2017–2020); Ҳалқора лойиҳа Uzb-Ind-2021-96 “Кўп рангли ўтақисқа импульслар манбайи сифатида фемтосекундли лазер импульсларининг ночизикли фотон кристаллари билан ўзаро параметрик таъсирлашуви”. (2021–2023). лойиҳалари доирасида амалга оширилди.

**Тадқиқотнинг мақсади** ночизиқли фотон кристалларида фойдаланганда ўта қисқа лазер импульсларининг иккинчи гармоника генерацияси ҳосил бўлиш самарадорлигини оширишга тўсқинлик қилувчи асосий чекловчи омилларни аниқлаш ва ушбу частота алмашинуви жараёнининг самарадорлигини оширишнинг янги усуллари яратиш.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ночизиқли фотон кристалларида ультрақисқа (фемтосекунд) лазер импульсларининг иккинчи гармоника генерацияси ҳосил қилишда муҳитнинг учинчи тартибли ночизиқли киритувчанлиги ва дисперсияси таъсирини ўрганишнинг сонли ҳисоблаш усуллари ишлаб чиқиш.

ночизиқли фотон кристаллари домен узунликлари ўзгаришининг иккинчи гармоника генерацияси эффефективлигини оширишда тутадиған ролини ўрганиш.

ночизиқли фотон кристалларда иккинчи гармоника импульси ҳосил бўлиши динамикасида фазали модуляцияланган импульсининг чирплаш чуқурлиги ролини ўрганиш.

мунтазам ва тартибсиз домен тузилмаларига эга бўлган ночизиқли фотон кристалларда фемтосекундли лазер импульслари частотаси икки барабар самарали оширишни янги схемаларини таклиф қилиш.

**Тадқиқотнинг объекти** - ночизиқли фотон кристаллар: литий ниобат ( $\text{LiNbO}_3$ ) ва 5 % ли магний оксидли литий ниобат олинди ( $5\% \text{MgO}:\text{LiNbO}_3$ ).

**Тадқиқотнинг предмети** Стационар бўлмаган иккинчи гармоника генерациясидаги ўз ўзига таъсирлашув ва дисперсия жараёнлари.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишида стационар бўлмаган ва ўз-ўзига таъсир қилиш ҳолатларида шунинг билан бирга домен ўлчамлари бир хил бўлмаган ҳолатларда ночизиқли фотон кристалларда иккинчи гармоникани ҳосил қилиш учун қисқартирилган тўлқин тенгламаларни ечиш учун сонли қўлланилади.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидаги натижалардан иборат:

ночизиқли фотон кристалларида иккинчи гармоника олишда давомийлиги 5 фс ли импульсдан фойдаланганда муҳитда ҳосил бўладиган иккинчи гармоника импульси муҳит дисперсияси таъсирида ўзининг Гаусс "силлиқлигини" йўқотиши ва бир неча қисмларга бўлиниб кетиши аниқланди.

юқори интензивликли ўта қисқа лазер импульсларининг НФК да иккинчи гармоника ҳосил қилиш жараёнида доменларнинг оптимал узунлиги қуйидаги  $\pi/|\Delta k|$  ҳисоблашдан фарқ қилиши аниқланди. Бу муҳитда учинчи тартибли ночизиқли киритувчанликнинг пайдо бўлиши ва муҳит дисперсияси таъсири туфайли юзага келиши аниқланди

мунтазам доменли тузилишга эга кристалларда иккинчи гармоника ҳосил бўлиш жараёнига муҳитнинг учинчи тартибли ночизиқлийлиги ва муҳит дисперсияси таъсири ошиши билан лазер нурланиш тўлқин узунлигининг  $\pi/\Delta k$  ҳисоблашда ишлатилган қийматидан кичик бўлганда юқори самарадорликка эришиш мумкинлиги аниқланди;

ушбу 5% MgO:LiNbO<sub>3</sub> мунтазам домен структурали кристалларида ўта қисқа лазер импульсларининг иккинчи гармоникасини ҳосил қилиш самарадорлигини белгиловчи асосий омил муҳитнинг дисперсияси эканлиги аниқланди;

ночизиқли фотон кристалларида ўта қисқа лазер импульсларининг иккинчи гармоникасини ҳосил қилишда иккинчи тартибли гурушпавий тезлиги дисперсиясини ҳисобга олиш иккинчи гармоника импульсининг дум қисми модуляциясига олиб келиши кўрсатилган. Бироқ бу таъсир асосий гармоникага таъсир қилмайди.

ночизиқли фотон кристалларида спектрал чегараланган импульсларнинг иккинчи гармоникасини ҳосил қилишда, чирпланмаганларга нисбатан паст энергия самарадорлигига эга бўлса ҳам юқори контрастли гауссимон иккинчи гармоника импульсини ҳосил қилиш мумкинлиги кўрсатилди.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари.** Стационар бўлмаган ва ўз-ўзига таъсир қилиш шароитида иккинчи гармоника генерацияси ҳосил қилиш жараёнини тавсифлаш учун ишлаб чиқилган сонли усуллар бошқа частота алмаштириш жараёнларини амалга оширишда қўлланилиши мумкин. Мунтазам ва мунтазам бўлмаган домен структурага эга бўлган ночизиқли фотон кристаллардан шунингдек, чирпланган лазер импульсларидан фойдаланишга асосланган частота алмаштиришда тавсия этилган усул ёрдамида юқори самарадорликка эришиш имконини беради.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ўзаро таъсирлашувчи тўлқинлар энергиясининг сақланиш қонуни бажарилиши (чунки диссертация ишида муҳитдаги нурланиш ютилиши ҳисобга олинмайди) ва ўзаро таъсирнинг квазистатик узунлиги сақланиши билан текширилган. Қабул қилинган хулосаларнинг ишончлилиги лазер нурланишининг фемтосекунд давомийликка мос соҳасида ишлаган бошқа муаллифларнинг натижаларига мос келишига асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Диссертация ишида олинган натижаларнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, унда ночизиқли фотон кристаллар домен узунликларини қисман ўзгартириш билан юқори интенсивлик ва қисқа лазер импульслари ишлатилишда пайдо бўладиган юқори тартибли ночизиқлийликлар ва муҳит дисперсиясининг таъсирларини етарлича камайтира олиш имконияти борлигини тушунтира бера олади.

Ушбу тадқиқот иши натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, бунда олинган натижалар юқори самарадорли режимда ишлатиш мумкин бўлган ночизиқли фотон кристалларни ишлаб чиқаришда қўлланилиши мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг амалиётда жорий қилиниши.** Ушбу “Ночиқли фотон кристалларида ўз - ўзига таъсир ва ностационар шартларда иккинчи гармоника генерацияси” мавзудаги диссертация ЁТ-Фтех-2018-161 (2018-2019 – йилларда ТДТУ да И Таджикибаев томонидан бажарилган илмий лойихадан 16.09.2022 йилда олинган 01/9-14-3072 – сонли маълумотномаси)

лойихасини бажаришда қўйилган масалаларга мос келиши билан катта қизиқиш уйғотди ва ушбу лойихада қуйидаги масалаларни ҳал қилишда фойдаланилди.

ночизиқли фотон кристалларидан фойдаланган ҳолда 1.05 мкм дан 0.525 мкм га юқори эффективлик билан частота алмаштиришни амалга ошириш учун

юқори интенсивликдаги ультрақисқа лазер импульсларидан фойдаланганда фотон кристаллари даврини аниқлаш учун.

икки ўзакли оптик толада  $\Delta n = 0.532$  мкм тўлқин тушурилган ва узунлиги 31 ва 38 мм бўлган боғловчидан ўтгандан кейин олинган кенг полосали ёруғлик спектрининг тажрибада олинган натижалари ва назарий (сонли ҳисоб-китоблар) олинган натижалар билан таққослаш учун.

инфрақизил нурланиш (1,05 мкм) билан дамланганда толали генератор ва тола филтридан иборат икки ўзакли толага асосланган оптик толали қурилмада 0.7-1.7 мкм соҳада бошқариладиган кенг спектрли ўта қисқа нурланиш бўйича олинган тажриба натижаларини ушбу диссертация ишидаги сонли ҳисоблаш усулида олинган натижалар билан солиштириш учун.

Шунинг билан бирга интенсив ўта қисқа лазер импульслари ёрдамида фотон кристаллари даврини аниқлашга доир диссертация тадқиқоти натижалари 3D Digital Silk Road (№ PPI/APM/2019/1/00004) (2019-2021 – йилларда ЎЗМУ да Д Мухамедова томонидан бажарилган илмий лойихадан 16.11.2022 йилда олинган 01/11-7176 – сонли маълумотномаси) ҳалқаро лойиҳани амалга оширишда ҳам фойдаланилган бўлиб бунда турли объектларни фаол рақамли сканерлаш учун инфрақизилдан кўринадиган диапазонга қадар катта эффективлик билан частотаси алмаштирилган лазер нурланишидан фойдаланилиши кераклиги аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқотларнинг асосий натижалари 7 та илмий-амалий конференцияларда, шу жумладан 2 та халқаро ва 5 та республика миқёсидаги илмий- амалий конференцияларда муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича олинган илмий натижалар 13 та илмий ишларда баён қилинган бўлиб, улардан 6 таси илмий мақола, шу жумладан 4 та чет эл ва 2 та мақола Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациясининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларида нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертацияга кириш, тўрт боб, хулоса ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 107 бет, 23 та расм ва 94 та адабиётлар рўйхатидан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва амалий аҳамиятга эга эканлиги, тадқиқотларнинг республикада фан ва техника тараққиётининг устувор йўналишлари билан алоқаси аниқланган, муаммонинг

ўрганилганлик даражаси очиб берилган, мақсад ва вазифалар шакллантирилган, объектлар аниқланган, мавзулар ва тадқиқот усуллари, тадқиқотнинг илмий янгиликлари баён қилинган, ишни бажариш натижалари ва апробацияси, шунингдек, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ҳақида қисқача маълумот берилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Муаммонинг ҳозирги кундаги ҳолати: квазисинхрон ночизикли оптика”** деб номланиб бунда адабиётлар таҳлили, ночизикли оптиканинг асосий қонуниятларини қисқача кўриб чиқишга ва қисқартирилган ночизикли тўлқин тенгламаларини келтириб чиқаришга бағишланган. Адабиётлар таҳлиliga келсак, диссертация мавзусига оид илмий мақолаларни кўриб чиқилган. Кўриб чиқилган мақолалар асосида ночизикли оптика тарихи, лазерларнинг ривожланиши, ночизикли фотон кристаллар (НФК), фемтосекундли лазерларни ишлаб чиқариш техникаси ва мақолаларнинг диссертация иши билан боғлиқ жиҳатлари батафсил ёритилган.

Биринчи бобнинг охирида ночизикли фотон кристалларда тўлқинларнинг иккинчи гармоника генерациясини ҳосил қилишнинг бугунги кундаги ҳолатини кўриб чиқиш асосида диссертация ишининг муаммолари шакллантирилган.

Диссертациянинг иккинчи боби **"Ночизикли фотон кристалларда иккинчи гармоника генерациясини ностационар ҳолатда ҳосил қилиш назариясида тақрибий ҳисоблаш моделларининг ўзига хослиги"** деб номланган бўлиб ушбу боб ночизикли фотон кристалларида ночизикли оптик тўлқинларнинг тарқалиши ва ўзаро таъсири назариясида амплитуданинг секин ўзгариши яқинлашуви усулини қўлланилишини ўрганишга бағишланган. Бу бобда Максвелл тенгламасининг бир йўналишли яқинлашуви ёрдамида Максвелл тенгламаларида амплитуданинг секин ўзгариши усуллари ёрдамида иккинчи гармоника генерацияси ҳосил қилиш жараёнини таҳлил қилиш имкониятлари кўриб чиқилади.

Ночизикли фотон кристалларида частотанинг иккиланиш жараёнини сонли ўрганиш учун Максвелл тенгламасини бир томонлама яқинлашуви техникаси ва алгоритми батафсил тавсифланган. Тенгламаларни вақт бўйича хусусий ҳосилалари бўлган ҳолатда ечишни талаб қилувчи ночизикли оптика масалаларини ечишда кенг қўлланиладиган “split-step” усулининг ўзига хос хусусиятлари ҳам кўриб чиқилади. Тўлқинларнинг тарқалиши ва ўзаро таъсири йўналиши бўйича фотон кристалларнинг ночизикли оптик параметрларининг тез ўзгаришини ҳисобга олиш учун диссертациядаги сонли ҳисоблашларга махсус ёндашувлар қўлланилди.

Иккинчи тартибли чизикли бўлмаган кутбланишни ҳисобга олган ҳолда тўлқин тенгламасининг бир томонлама яқинлашуви усулини кўриб чиқилган. Бунда спектрал соҳадаги ва скаляр шаклдаги тенгламани қуйидаги шаклда ёзиш мумкин:

$$\frac{dE(\omega, z)}{dz} = ik(\omega)E(\omega z) + \frac{i\omega^2}{2\varepsilon_0 c^2 k(\omega)} P_{nl}(\omega, z) \quad (2.1)$$

бу ерда  $P_{\text{нл}}(\omega, z) = \chi^{(2)} E^2(t, z)$ . Агар майдонни куйидаги кўринишда олсак,  $E(\omega, z) = A(\omega, z) \exp(ik(\omega)z)$ , у ҳолда амплитудага боғлиқ бўлган ва бир йўналишли импульс тарқалиш тенгламаси билан ишланувчи содда тенглама олинади.

Иккинчи гармоника генерацияси жараёни амплитуданинг секин ўзгариши яқинлашувида ҳаракатланувчи координаталар системасида дисперсиянинг учинчи тартибигача бўлган аниқликда ҳисобга олган ҳолда, хусусий ҳосилалари куйидаги дифференциал тенгламалар системасига келинган:

$$\begin{aligned} \frac{\partial A_1}{\partial z} - i \frac{g_1}{2} \frac{\partial^2 A_1}{\partial t^2} + \frac{h_1}{6} \frac{\partial^3 A_1}{\partial t^3} &= -i \gamma_1 \sigma(z) A_1^* A_2 e^{-i \Delta k z} \\ \frac{\partial A_2}{\partial z} + v \frac{\partial A_2}{\partial t} - i \frac{g_2}{2} \frac{\partial^2 A_2}{\partial t^2} + \frac{h_2}{6} \frac{\partial^3 A_2}{\partial t^3} &= -i \gamma_2 \sigma(z) A_1^2 A_2 e^{i \Delta k z} \end{aligned} \quad (2.2)$$

бу ерда,  $A_1$  ва  $A_2$  асосий ва иккинчи гармоника импульсларининг комплекс амплитудалари.

Тақрибий ҳисоблаш усулларнинг қиёсий таҳлили натижаларини тақдим этишдан олдин шуни таъкидлаш керакки, иккала тақрибий усул ҳам 10 фс гача амалда бир хил натижаларни берди, бу биз кутган натижадир. Таққослаш учун биз иккинчи гармоника генерацияси самарадорлигини ва даврий кристаллнинг чиқишида иккинчи гармоника интенсивлигининг вақт режимини танладик.


Бир томонлама яқинлашиш бўйича иккинчи гармоника амплитудасининг вақтий профили тескари Фуре алмаштириши ёрдамида нормаллаштирилган частотанинг  $1.5\omega_0$  гача  $2.5\omega_0$  гача бўлган оралик спектридан олинган.

Учинчи боб "**Мунтазам домен тузилишга эга кристалларда интенсив ўта қисқа лазер импульсларининг иккинчи гармоника генерацияси**" деб номланиб мунтазам доменли тузилишга эга кристалларда ўта қисқа лазер импульсларининг иккинчи гармоникасини олишга бағишланган. Кириш қисмида таъкидланганидек, мунтазам домен структурали кристаллар лазер частотасини ўзгартириш жараёнининг ҳар хил турларини амалга ошириш учун кенг қўлланилади. Охирги тадқиқотлар шуни кўрсатдики, амалда даврий домен структурага эга бўлган кристаллар хусусан, иккинчи тартибли киритувчанликли кристаллардан фойдаланиш имконияти туфайли иккинчи гармоника генерацияси юқори энергия самарадорлигини таъминлаши мумкин. Бу хусусият уларнинг амалиётда кенг қўлланилишига олиб келди. Ушбу бобда юқори интенсивликли ўта қисқа лазер импульсларининг иккинчи гармоника генерациясини икки методда олиш ва самарадорликни янада оширишда мунтазам домен структурали кристалларни қўллаш ва муҳокама қилинади.

Амплитуданинг секин ўзгариши методи натижаларини солиштириш учун Максвелл тенгламаларининг бир йўналишли яқинлашуви деб аталадиган модел танланди. Худди шу экспериментал шароитда ушбу яқинлаштириш натижалари таққосланди. Қиёсий таҳлил шуни кўрсатадики, асосий импульс давомийлигининг 10 фс гача бўлган қийматида иккала тақрибий ҳисоблаш усули ҳам частота алмаштириш жараёнини деярли бир хил тарзда

тавсифлайди, ammo 10 фс дан паст давомийликда натижаларда номувофиклик юзага келди. Таққослаш асосан иккинчи гармоника импульсининг вақт профилини шакллантириш ва унинг самарадорлиги бўйича амалга оширилди.

Иккинчи гармоника импульсининг вақтий профилини бир йўналишли яқинлашиш ёрдамида ҳам тақдим этилган, бунда бошланғич шарт сифатида майдон тўлиқ спектрал кўринишда олинган ва ҳисоблашларда вақтий кўринишга ўтказиб натижалар олинган. Амплитуданинг секин ўзгариши усулидан фойдаланганда, дисперсия таъсири учинчи тартибга қадар аниқликда ҳисобга олинган.




1 – расм. Давомийлиги 10 фс бўлган фундаментал импульс учун сонли ҳисоблаш натижалари: (а) кристаллга киришдаги (узлуксиз эгри чизик) ва чиқишдаги (узлукли эгри чизик) майдоннинг вақтий профили; (б) майдон спектрининг киришдаги (узлуксиз эгри чизик) ва чиқишдаги (узлукли эгри чизик); (с) - даврий кристалл чиқишида иккинчи гармоника интенсивлигининг вақтий профилларининг қиёсий таҳлил натижалари. Бу

ерда узлукли эгри чизик амплитуданинг секин ўзгариши модели натижасидир ва йўналган импульс тарқалиш тенгламаси методи (узлуксиз эгри чизик); (д) иккинчи гармоника эффективлигининг доменлар сонига боғлиқлиги. Бу ерда қаттиқ эгри чизик секин ўзгарувчан амплитудаларнинг яқинлашиши натижасини, нуқтали эгри чизик тўлқин тенгламасининг бир томонлама яқинлашиш натижасини кўрсатади. Бу ерда узлукли эгри чизик амплитуданинг секин ўзгариши модели натижасидир ва узлуксиз эгри чизик йўналган импульс тарқалиш тенгламаси усули.

1-расмда 10 фс ҳолат учун сонли ҳисоблаш натижалари кўрсатилган, бу ерда тахминан 70 домен узунликдаги фотон кристаллидан ўтиш пайтида иккинчи гармониканинг динамикаси ўрганилган: (а) киришдаги майдоннинг вақтий профили. (узлуксиз чизиқ) чиқишдаги (узлуксиз) ва (б) нурланишнинг спектрал кўриниши киришдаги (узлуксиз чизиқ) кристаллдан чиқишдаги (узлукли чизиқ); (с) Иккинчи гармониканинг кристаллдан чиқишида икки ҳолат учун интенсивлигининг вақтга боғлиқлиги кўрсатилган, (д) иккинчи гармоника ҳосил бўлиши самарадорлигининг доменлар сонига боғлиқлиги. Бу ерда узлуксиз эгри чизиқ амплитуданинг секин ўзгариши натижасини, узлукли эгри чизиқ тўлқин тенгламанинг бир томонлама йўналган тарқалиш тенгламаси натижасини кўрсатади. Ушбу расмда деярли иккала тақрибий ҳисоблаш модели ҳам бир хил натижаларни берди.

Аммо иккинчи гармоника интенсивлигининг вақтий режимини таққослашда бир оз фарқ кузатилади ((с) қисм қаранг). Гарчи бу ерда икки хил сонли ҳисоблаш ёрдамида иккинчи гармоника профилларининг бир-биридан кичик оғиши мавжуд бўлса-да, лекин иккинчи гармоник генерацияси самарадорлигини солиштирганда, деярли бир хил натижа берганини кўришимиз мумкин ((д) қисмга қаранг).

Лазер импульси давомийлиги 5 фс бўлган ҳолати учун икки тақрибий ҳисоблаш усулнинг қиёсий натижалари 2-расмда кўрсатилган. Бу ерда эгри чизиқлар ва расмлар тартиби 1-расмдаги каби аниқланади. Ушбу расмда (с) қисмда кўрсатилган иккинчи гармоника интенсивлигининг вақтий режимини таққослашда натижаларнинг сезиларли оғиши кузатилди. Бир томонлама йўналган тарқалиш тенгламаси моделдан фойдаланган ҳолда ҳисоблаб топилган иккинчи гармоника импульси бир неча қисмларга бўлинади, лекин амплитуданинг секин ўзгариши методи билан олинган иккинчи гармоникада бундай бўлинишлар йўқ. Шунга қарамай иккала ҳисоблашда ҳам иккинчи гармониканинг самарадорлиги бўйича натижалар бир-бирига мос келади.



2 – расм. Лазер импульси давомийлиги 5 фс ҳолат учун тақрибий ҳисоблаш усуллари натижалари. Расм шакллари ва эгри чизикларнинг тартиби 1-расмдаги каби аниқланади

Лазер импульсининг давомийликлари  $\sim 5$  фс ва  $\sim 10$  фс ҳолатлари учун натижаларни солиштирганда, агар амплитуданинг секин ўзгариши методиди дисперсияни учинчи тартибли аниқликда ҳисобга олсак-да икки ҳисоблаш методлари берадиган натижалар бир – биридан арзимас даражада кичик фарк қилиши сезилади.

Бундан келиб чиқадики ҳисоб-китобларда иккала яқинлашишдан ҳам фойдаланиш мумкин. Аммо шуни таъкидлаш керакки, бу ерда биз квадратик кутбланишнинг  $\chi^{(2)}$  ночизикли фиксирланган қийматидан фойдаландик. Бироқ бу параметр тушаётган тўлқиннинг частотасига боғлиқ ўзгариши мумкин. Бунда кристаллга тушаётган импульс етарлича кенг спектрга эга бўлса, у ҳолда  $\chi^{(2)}$  нинг  $\omega$  га ( $\chi^{(2)}(\omega)$ ) боғлиқлигини ҳисобга олиш керак. Айнан шу ҳолатда амплитуданинг секин ўзгариши усулини эмас, балки бир томонлама яқинлашишни муваффақиятли қўллаш мумкин.

Сонли ҳисоблаш қуйидаги бошланғич шартлар асосида амалга оширилди: нурланиш интенсивлиги ва тўлқин узунлиги  $I = 2 \cdot 10^{14}$  Вт/м<sup>2</sup>,  $\lambda = 1560$  нм, импульс давомийлиги  $\tau = 10$  фс,  $d_{13} \approx 3.4$  пм/В,  $\chi_{1111} \approx 2.94 \cdot 10^{-21}$  м<sup>2</sup>/В<sup>2</sup>,  $\chi_{1212} = \chi_{2121} \approx 7 \cdot 10^{-22}$  м<sup>2</sup>/В<sup>2</sup>,  $\chi_{2222} \approx 5.32 \cdot 10^{-21}$  м<sup>2</sup>/В<sup>2</sup>. Кристалл синдириш кўрсаткичини ҳисоблашда температура  $T \approx 19.45^\circ$  га тенг деб олинди


Танланган интенсивлик қийматида Керр эффекти таъсири намоён бўлади ва бу частотанинг иккиланиш жараёни самарадорлигини пасайишига олиб келади, буни 3 - расмдан кўриш мумкин. Бу графикда иккинчи гармоника ҳосил бўлиши самарадорлигининг  $z \approx 3$  см узунликдаги кристаллнинг даврий домен структурага боғлиқлиги кўрсатилган.

Максимал самарадорлик  $d_c = \pi|\Delta k| \approx 9.915$  мкм формула бўйича ҳисобланган домен узунлигининг аниқ қийматида кузатилмади балки оптимал қиймат  $d_{opt} \approx 9.9241$  мкм да кузатилди. Гарчи бу ўзгариш 0,092% бўлсада, амалда самарадорликни деярли икки баравар ошириш имконини берди.

Ҳисоблашлар шуни кўрсатадики, бунда учинчи тартибли киритувчанлик, муҳит дисперсияси ва тўлқин сонининг ночизикли кристалларда "ортиқча" фаза силжишларининг қиймати доменлар ўлчамининг бироз ўсиши билан ўзаро компенсацияси туфайли самарадорликнинг ошиши кузатилди.

Сабаби шундаки биринчидан, ўз-ўзига муҳитнинг таъсири синдириш кўрсаткичининг ўзгаришига олиб келади ва бу квазисихронизмнинг оптимал шартларини бузади. Иккинчидан, ўзаро таъсир қилувчи импульсларнинг Фурье компонентларининг фақат фазасига таъсир қилувчи муҳитнинг дисперсияси шунингдек импульслар муҳитда тарқалаётганда оптимал фаза шароитларини бузади. Агар ҳисоб-китобларда у ёки бу таъсир ҳисобга олинмаса, бу омилларнинг ҳиссасини ажратиш осон.

Ушбу бобда даврий кристалл доменларнинг белгиланган ўлчамлари учун тушаётган нурланиш тўлқин узунлигининг частотанинг иккиланиш жараёни самарадорлигига таъсири ўрганилди.




3 – расм. Иккинчи гармоника ҳосил бўлиши самарадорлигининг 5% MgO:LiNbO<sub>3</sub> кристалл домени узунлигига боғлиқлиги;  $\lambda = 1560$  нм; узлуксиз чизик чекловчи омилларни ҳисобга олган ҳолда олинган натижаларга мос келади; узлукли чизик - фақат муҳитнинг тарқалиш шартларини ҳисобга олган ҳолда; нуқтали чизик - фақат учинчи тартибли ночизикликни ҳисобга олган ҳолда

4 - расмда келтирилган ўлчами  $z \approx 3$  см бўлган кристалл учун ҳисоб-китоблар натижаларидан кўриниб турибдики, максимал самарадорлик 1560 нм да эмас, балки  $\lambda \approx 1480$  нм да кузатилди. Бу ерда узлуксиз эгри чизик домен узунлиги  $d_c$ , бўлган дамлаш импульси иккинчи гармоника генерацияси самарадорлигининг тўлқин узунликка боғлиқлиги ва узлукли эгри чизик  $d_{opt}$  ҳолат учун келтирилган.

Натижалар шуни кўрсатдики учинчи тартибли ночизиклилик ва муҳит дисперсияси мунтазам домен структурали кристаллда иккинчи гармоника ҳосил бўлиш жараёнига таъсирининг ошиши билан доменлар узунлигини ёки кристаллга тушувчи тўлқин узунлигига тузатиш киритиш керак бўлади. Ҳозирги кунда лаборатория шароитида  $\pi/\Delta k$  ифодасидан ҳисобланган даврий кристаллар аллақачон мавжуд.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаймизки, дисперсиянинг учинчи тартибли ҳадлари ва Керр ночизиклиги таъсирини ҳисобга олган ҳолда 5% MgO:LiNbO<sub>3</sub> мунтазам доменли тузилишга эга кристалларда интенсив ўта қисқа лазер импульсларининг иккинчи гармоникасини ҳосил қилишни ўрганиш учун сонли тажрибалар қўлланилган.

Шундай қилиб ушбу бобда группавий тезликнинг квазисинхронизм ва синхронизм шартлари бир вақтнинг ўзида бажарилган ҳолат кўриб чиқилди. Частота алмаштириш жараёни самарадорлигини сезиларли даражада оширишни таъминлайдиган сонли ҳисоблашлар ёрдамида аниқланган оптимал домен узунлиги когерент ўзаро таъсир узунлигидан фарқ қилди.



4 – расм. Частота иккиланиши самарадорлигининг кристалл узунлиги ва домен узунлигининг доимий қийматларида кристаллга тушувчи лазер импульслари тўлқин узунлигига боғлиқлиги, бунда узлуксиз эгри чизик  $d_c$ , ва узлукли эгри чизик оптимал домен  $d_{opt}$  узунлигига мос келади.


Бунинг сабаби шундаки, домен узунлиги квазисинхронизмга мос келадиган шартларнинг бажарилишини таъминлайдиган қийматдан кичик оғиши учинчи тартибли ночизиклилик ва муҳит дисперсияси таъсирдан келиб чиққан фаза силжишларини компенсациялаш имконини беради.

Юқорида келтирилган натижалар частота алмаштиришнинг бошқа жараёнларини, хусусан даврий кутбланган кристалларда интенсив ўта қисқа лазер импульсларидан ёруғликнинг параметрик кучайтирилишини таҳлил қилиш учун ҳам қўлланилиши мумкин.

Тўртинчи боб “**Мунтазам домен структурага эга бўлмаган кристалларда юқори интенсивликли лазер импульслари частота иккиланиши хусусиятлари**” деб номланиб ушбу бобда ночизикли фотоник кристалларда фемтосекундли лазер импульсларининг ( $\sim 5$  фс гача) частота иккиланиши сонли ҳисоблашлар ёрдамида ўрганилган. Бир қатор омилларнинг (бирламчи нурланиш импульсининг фазали модуляцияси ва ночизикли киритувчанликнинг фазавий модуляцияси, дисперсия ҳадларининг учунчи тартиблигача бўлган ҳадлари) ночизикли частота алмаштириш самарадорлиги ва иккинчи гармоника импульси давомийлигига таъсири ўрганилган. Ўта қисқа ( $\sim 5$  фс гача) лазер импульсларидан фойдаланганда

иккинчи гармоник ҳосил бўлиши самарадорлиги  $\eta_{2\omega} \sim 45\%$  гача етиши мумкинлиги кўрсатилган.

5 – (а) расмдан кўриниб турибдики бошланғич 50 мкм масофада (бу ҳолатда НФК да домен узунлиги  $\sim 6.5$  мкм) иккинчи гармоника генерацияси самарадорлиги икки ҳолатда ҳам ортмоқда ва бу масофадан сўнг тўйинишга эришмоқда. Бу ерда чирпланган НФК да иккинчи гармоника генерацияси самарадорлиги чирпланмаган НФК лига қараганда 10% га кичик бўлиши аниқланди.



5 – расм. Иккинчи гармоника генерацияси самарадорлиги (а) ва иккинчи гармоника генерация импульси давомийлигининг (б) таъсирлашиш

узунлигига боғлиқлиги. Узликсиз чизик чирпланмаган НФК га ва узлукли чизик чирланган НФК га мос келади.

Бу ҳолат бир томондан асосий гармоника ва иккинчи гармоника импульслари 50 мкм масофани босиб ўтгач бир – бирдан ажралишини, шунинг учун ўзаро таъсирлашмаслигини тушунтиради, бошқа томондан еса импульслар ўзлари мустақил тарқалишини англатади. Бошқача айтганда оптимал квази синхронизм шартлари асосий гармоника ва иккинчи гармоника тўлқин узунликларида бажарилмайди.

5 – (b) расмдан маълумки иккинчи гармоника импульси давомийлиги деярли чизикли конуният бўйича ортмоқда. Икки ҳолатда ҳам импульс давомийлиги 300 мкм масофагача бир хил ортмоқда ва бу масофадан кейин давомилик ортиш тезлиги турлича бўлмоқда яъни чирпланган НФК ларида импульс давомийлиги тезроқ ортмоқда.

Частота бўйича модуляция  $\delta\omega$  группавий тезликлар дисперсиясига боғлиқ ва у  $\beta$  билан белгиланади. Нормал дисперсия юз берадиган спектр оралиғида  $\beta > 0$  ва частота фарқи  $\delta\omega$  манфий қийматни олади. Агар импульснинг орқа томондаги олдинги қирраси пасайса модуляция коэффиценти  $\gamma < 0$  бўлади. Бизнинг ҳолатда, 50 фс давомийликли фазаги модуляцияланган асосий нурланиш иккинчи гармоникаси генерацияси импульс давомийлиги ҳам монотон равишда ортади.

Шундай қилиб, ушбу бобда биз фазавий модуляцияланган ва модуляцияланмаган 5 фс ва 50 фс давомийликдаги фемтосекундли лазер импульслари билан чирпланган ва чирпланмаган ночизикли фотон кристалларида частота иккиланиши жараёнини ўргандик ва Иккинчи гармониканинг юқори самарадорликли ва юқори контрастли импульсини олиш усуллари изланди. Ушбу жараёнда дисперсиянинг роли батафсил ўрганилган. Аниқланишича чирпланган ночизикли фотон кристалларида частота алмаштириш самарадорлиги паст бўлса-да, уларда юқори контрастли Гаусс шаклига эга бўлган иккинчи гармоника импульсини олиш мумкин. Шундай қилиб иккинчи гармониканинг ҳосил бўлиш жараёни чирпланган ночизикли фотон кристалларда фазаги модуляцияланган импульслар билан таъсирлаштирилганда самарали частота алмаштириш мумкинлиги кўрсатиб берилди.

## ХУЛОСА

Ушбу диссертация иши ночизикли фотон кристалларида ўз-ўзига таъсир ва ностационар шартларда юқори интенсивликли ўта қисқа лазер импульсларининг иккинчи гармоникасини таҳлил қилишга бағишланган. Оптик тўлқинларнинг ўзаро таъсири назариясини ўрганишда амплитуданинг секин ўзгариши методи асосида ҳисоб китоб ишлари олиб борилди. Максвелл тенгламасининг бир йўналишли яқинлашуви асосида амплитуданинг секин ўзгариши методи ўта қисқа давомийликдаги частота алмаштириш жараёнидаги (5 фс гача) аниқлиги текширилди. Ночизикли фотон

кристалларининг турли конструкцияларидан фойдаланган ҳолда юқори самарадорликли иккинчи гармоника генерацияси олишнинг турли имкониятлари таҳлил қилинди.

Диссертация ишида олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Ночизикли фотон кристалларида частотани икки баробар ошириш жараёнида давомийлиги 5 фс ли импульсдан фойдаланганда муҳитда ҳосил бўладиган иккинчи гармоника импульси муҳит дисперсияси таъсирида ўзининг Гаусс "силлиқлигини" йўқотиши ва бир неча бўлақларга бўлиниши аниқланди.
2. Интенсивлиги юқори бўлган ва ўта қисқа лазер импульсларининг НФК да иккинчи гармоника ҳосил қилиш жараёнида доменларнинг оптимал узунлиги кенг тарқалган  $\pi/|\Delta k|$  ҳисоб-китобидан фарқ қилиши аниқланди. Бу муҳитда учинчи тартибли ночизикли киритувчанликнинг пайдо бўлиши ва муҳит дисперсияси таъсири туфайли юзага келиши тушинтирилди
3. Мунтазам доменли тузилишга эга кристалларда иккинчи гармоника ҳосил бўлиш жараёнига муҳитнинг кубик ночизиклилиги ва дисперсияси таъсири кучайиши билан лазер нурланиш тўлқин узунлигининг  $\pi/\Delta k$  ҳисоблашда ишлатилган қийматидан кичик бўлганда юқори самарадорликка эришиш мумкинлиги аниқланди;
4. 5% MgO:LiNbO<sub>3</sub> ДДС-кристалларида ўтақисқа лазер импульсларининг иккинчи гармоникасини ҳосил қилиш самарадорлигини белгиловчи асосий омил муҳитнинг дисперсияси эканлиги аниқланди;
5. Ночизикли фотон кристалларида ўтақисқа лазер импульсларининг иккинчи гармоникасини ҳосил қилишда иккинчи тартибли гурушпавий тезлиги дисперсиясини ҳисобга олиш иккинчи гармоника импульсининг дум қисми модуляциясига олиб келиши кўрсатилган. Бироқ бу таъсир асосий гармоникага таъсир қилмайди.
6. Ночизикли фотон кристалларда спектрал чегараланган импульсларнинг иккинчи гармоникасини ҳосил қилишда, чирпланмаганларга нисбатан паст энергия самарадорлигига эга бўлса ҳам юқори контрастли гауссимон иккинчи гармоника импульсини ҳосил қилиш мумкинлиги кўрсатилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.12.2019.FM.65.01 ПО  
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ  
ИОННО-ПЛАЗМЕННЫХ И ЛАЗЕРНЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ  
УНИВЕРСИТЕТ ИМЕНИ ИСЛАМА КАРИМОВА**

**РУЗИЕВ ЗУХРИДДИН ДЖАМОЛИДДИНОВИЧ**

**ГЕНЕРАЦИЯ ВТОРОЙ ГАРМОНИКИ В НЕЛИНЕЙНЫХ ФОТОННЫХ  
КРИСТАЛЛАХ В УСЛОВИЯХ САМОВОЗДЕЙСТВИЯ И  
НЕСТАЦИОНАРНОСТИ**

**01.04.11 – Лазерная физика**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ФИЗИКО-  
МАТЕМАТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2023**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2022.3. PhD/FM 773.**

Диссертация выполнена в Ташкентский государственный технический университет имени Ислама Каримова

Автореферат диссертации на трех языках (русский, узбекский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.ispm.uz](http://www.ispm.uz)) и Информационно-образовательном портале “ZiyoNet” ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный руководитель:**

**Сапаев Усман Каландарович**  
доктор физика-математических наук

**Официальные оппоненты:**

**Болтаев Ганжабой Сапаевич**  
доктор физика-математических наук

**Махмудов Хикмат Махаматович**  
доктор физика-математических наук

**Ведущая организация:**

**Ургенчский государственный университет**

Защита диссертации состоится «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2023г. в \_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.02/30.12.2019.FM.65.01 по присуждению ученых степеней при Институте ионно-плазменных и лазерных технологий АН РУз (адрес: 100125, г. Ташкент, ул. Дурмон йули, 33. Тел./Факс: (99871) 262–32–54, e-mail: [info@iplt.uz](mailto:info@iplt.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института ионноплазменных и лазерных технологий (зарегистрирована за № \_\_\_). Адрес: 100125, г. Ташкент, ул. Дурмон йули, 33. Тел.: (99871) 262–31–69).

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2023 г.  
(реестр протокола рассылки № \_\_\_\_\_ от \_\_\_\_\_ 2023 г.).

**Х.Б. Ашуров**

Председатель одnorазового  
научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.т.н.,  
профессор

**И.Д. Ядгаров**

Ученый секретарь одnorазового  
научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.ф.-м. н., с.н.с.

**Б.Е. Умирзаков**

Председатель научного семинара  
одnorазовом научном совете по  
присуждению ученых степеней,  
д.ф.-м.н., профессор.

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** С момента создания лазеров кристаллы с квадратичной нелинейностью играют важную роль в создании лазерных установок и в исследованиях взаимодействия лазерного излучения с веществом. Они преобразуют лазерное излучение в требуемые диапазоны спектра, охватывая от ультрафиолета до ближнего инфракрасного. В определенных условиях они позволяют преобразовать энергию лазерного излучения в требуемую частоту спектра с высокой эффективностью. Однако, использование коротких импульсов ( $\tau \sim 10$  фс или  $\tau \lesssim 10$  фс меньше) в нелинейных кристаллах, в том числе в нелинейных фотонных кристаллах, вызывает увеличение влияния дисперсии и кубической нелинейности, что может снизить эффективность генерации второй гармоники.

Следуя за тенденцией развития преобразователей частоты, основанных на использовании нелинейно-оптических кристаллов не трудно заметить, что, в основном различные процессы преобразования частоты с высокой эффективностью были реализованы с широко-апертурными (конформными) пучками и в нано и суб-пикосекундном диапазоне длительностей. С применением фемтосекундных импульсов ситуация с получением эффективной генерации гармоник, в частности, генерации второй гармоники в нелинейных кристаллах становится сложной. В последние годы для эффективной реализации процесса преобразований частоты широко используются методы chirпированных импульсов и chirпированных нелинейных фотонных кристаллов. Эти методы хорошо изучены и используются при длительности лазерного импульса вплоть до несколько десятков фемтосекундов, но плохо изучены для импульсов длительностью которых в пределах или меньше десятков фемтосекунд ( $10 \text{ фс} > t$ ).

В последнее время в Республике Узбекистан усилилось внимание к изучению новых возможностей эффективного преобразования частоты лазерного излучения, в частности с использованием оптических наноматериалов типа нелинейных фотонных кристаллов, обладающих рядом преимуществ по сравнению с традиционными нелинейно оптическими кристаллами. Направления этих фундаментальных исследований и разработок имеющих большое значение для развития науки нашей страны и их практического применения, отражены в Стратегии действий по дальнейшему развитию нового Узбекистан на 2023–2026 годы (от 28.01.2023 г. № УП-60).

Определены основные задачи и направления деятельности научных исследований на уровне международных стандартов в приоритетных областях «Электроника, физика наноматериалов и прикладная математика»<sup>2</sup>. При

---

<sup>2</sup> Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 18 мая 2017 года №292 «О мерах по организации деятельности вновь созданных научно-исследовательских учреждений академии Наук Республики Узбекистан»

обеспечении исполнения постановления важно развивать теорию решения задачи взаимодействия лазерного излучения с веществом. Данное диссертационное исследование, в определённой степени соответствует задачам, поставленным в Указах Президента Республики Узбекистан № УП-60 «О стратегии действий по дальнейшему развитию нового Узбекистан» от 28 января 2023 года и Постановление Президента Республики Узбекистан № ПФ-5847 от 08.10.2019 г. «О принятии мер по повышению научного потенциала высших учебных заведений», включенное в дорожную карту «Концепция развития системы высшего образования Республики Узбекистан». Республики Узбекистан до 2030 года». В то же время № УП-2789 «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Академии наук, организации, управления и финансирования научно-исследовательской деятельности» от 17 февраля 2017 года, а также в других нормативно-правовых документах, имеющих отношение к данной области деятельности.

